“Ўзмиллийбанк” АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими томонидан Риштон банк хизматлари марказида коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўтказилган давра сухбати юзасидан

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

2026 йил 5 май **Риштон т.**

“Ўзмиллийбанк”АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибот ва профилактик чора-тадбирлар Режасига мувофиқ, Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси У.Ибрагимов томонидан, Риштон банк хизматлари маркази ходимлари билан “Коррупцияга қарши бирга курашамиз” мавзусида давра сухбати ўтказилди.

Сухбат жарёнида учрашув иштирокчиларига “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти Бош бошқармаси тизимида коррупцияни олдини олиш йўналишида белгиланган чора-тадбирлар хамда амалга оширилаётган ишлар хақида қисқа маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳалқига ва парламентга йўллаган мурожаатида, 2026 йил коррупция йўналишида “фавқулодда холат” деб эълон қилинганини, шу муносабат билан мазкур йўналишда жадал ишлар ва муросасиз кураш олиб борилаётганини, жумладан, апрель, май ойлари давомида “Ўзмиллийбанк” АЖ Андижон хамда Наманган вилоятлари Бош бошқарманинг масъул ходимлари маълум миқдордаги пул маблағларини олаётган пайтда ушланиб, хозирги кунда ушбу холатлар юзасидан жиноий ишлар қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Бундан ташқари, Фарғона амалиёт банк хизматлари маркази Чакана хизмат кўрсатиш гуруҳи Ипотека кредитлаш бўлими етакчи мутахассиси Сотволдиев Бекзод Зохиджон ўғли хизмат хонасига келган мижозлардан моддий манфаат кўриш учун уларнинг ҳар биридан пул маблағлари олаётганлиги, хусусан жорий йилнинг феврал-март ойларида у хизмат хонаси бўлган Ипотека кредитлаш бўлимига ташриф буюрган айрим фуқаро (мижоз)лардан уларга ONE ID иловасини юклаб бериш эвазига ҳар биридан 20.000 сўмдан нақд пул кўринишида маблағларни олганлиги маълум бўлиб, мазкур аниқланган ҳолат юзасидан ўрнатилган видеокузатув камераси танлов асосида таҳлил қилиниб, ўрганилганда, етакчи мутахассис Б.З.Сотволдиев 2026 йилнинг 20 феврал кунидан 10 апрел кунига қадар жами 160 *(бир юз олтмиш)* нафар мижозлардан 20.000 *(йигирма минг)* сўмдан, жами 3.200.000 *(уч миллион икки юз минг)* сўм миқдорда пул маблағларини қўлга киритганлиги, мижозлардан

олган пул маблағларини ҳеч қандай банк ҳисоб рақамларига ўтказмаганлиги, унинг бу ноқонуний хатти-ҳаракатлари видеотасвирларда яққол қайд этилганлиги сабабли, Б.Сотволдиев "Ўзмиллийбанк" тизимидан бўшатилди.

Риштон Банк хизматлари марказида коррупциявий холатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар долзарблиги ва бу борада ходимларнинг жавобгарлиги, шахсий позитцияси мухимлиги, хозирги кунда бу каби иллатга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган комлекс тадбирлар олиб борилаётганлиги, бу давлат ички сиёсатнинг узвий бири бўлаги эканлигини таъкидланди.

Сухбат давомида, хозирда "Ўзмиллийбанк" АЖ Фарғона вилояти Бош бошқармаси ва худудий тизимларда коррупциявий ҳуқукбузарликларни олдини олиш юзасидан бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги, коррупцияга қарши ички назорат тизимлари коррупциявий холатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қуймаслик хамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чоралари кўрилаётгани алохида таъкидлаб ўтилди.

Сухбат иштирокчилари ўз навбатида мухокамага қуйилган мавзуларга ижобий муносабатларини билдириб, коррупция жамиятдаги энг ёмон иллат эканлиги, мамлакат тараққиётига ўта салбий таъсир кўрсатишини, уни олдини олиш ва бу каби офатга қарши курашиш барчанинг вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Сухбат давомида банк ходимлари томонидан берилган саволларга тўлиқ ва батафсил жавоб берилди.

Учрашув якунида "Ўзмиллийбанк" АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси ходимларга яна бир бор коррупцияга биргаликда ва хамжихатликда курашиш, бунда банк ходимларига ўз лавозими мажбуриятларидан келиб чиққан холда кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **У.А.Ибрагимов**

Риштон БХМ